ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

# ТАНҚИДИЙ КЎЗ БИЛАН

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақа заводимиз цех ва бригадалари бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Мусобақанинг ижобий натижалари 7 ойлик ишлаб чиқариш якунларида яққол акс этиб турибди. Ўтган давр ичида маҳсулот реализация қилиш плани 102,4 процентга бажарилди. Меҳнат унумдорлиги эса планга нисбатан 1,9 процентга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9 процентга ошди.

Ҳозирги пайтда партия ташкилотлари ҳаётида муҳим воқеа — ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтяпти. Йиғилишларда партия ташкилотларининг, сайлаб қўйиладиган органларнинг фаолиятига принципиал баҳо бериляпти, амалий иш тажрибалар умумлаштирилиб, камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланмоқда. Завод партия комитети мавжуд 21 та цех партия ташкилоти ва 22 та партия группасининг ҳаммасида ҳисобот-сайловлар уюшқоқлик, ишчанлик, талабчанлик вазиятида ўтишини таъминлашга интиляпти.

Партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунлари муҳокама қилинди. Пленумда айрим партия ташкилотлари адресига билдирилган танқидий мулоҳазалар бизга ҳам тааллуқлидир. Пленум қарорларини амалга ошириш учун белгиланган тадбирларимизда энг аввало, партия ташкилоти иш услубини такомиллаштириш, ортиқча қоғозбозликка чек қўйиш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш вазифалари кўзда тутилган.

Корхонамизда ажойиб партия ташкилотчилари бор. Ташаббускор, принципиал, одамларга ғамхўр бу кишилар коллектив ўртасида катта обрў-эътибор қозонганлар. Бир неча йилдан бери цех партия ташкилоти ва партия группалари етакчилигига қайта сайланиб келаётган И. П. Галочкин, И. Я. Золоторенко, В. Н. Антонова, Б. О. Байдук, Р. А. Асанов, Ҳ. А. Юсуповлар шулар жумласидандир.

Аммо, сайланма органлардаги баъзи коммунистлар кўпчилик ишончини оқламаяптилар. Уларнинг принципсизлиги, лоқайдлиги туфайли кўп ҳолларда коммунистларнинг ташаббуслари қувватланмаяпти, танқид бўғилаяпти. Партия комитетига мана шу салбий ҳолатлар ҳақида сигналлар келяпти. Шу туфайли ҳам цех партия ташкилоти секретарлиги ва партгруппа етакчилигига тавсия қилинадиган кадрларни танлашда масъулиятни янада кучайтирдик. Биз бир неча йилдан бери партгруппа етакчилигига ёш коммунистларни тавсия қиляпмиз. Мақсад — оддий. Ишлаб чиқаришнинг энг олдинги участкасида бўлган партия группасига раҳбарлик ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтиради, улардаги актив ҳаётий позицияни мустаҳкамлайди. Бу йил 22 партия группаси етакчилигига тавсия қилинаётганларнинг 15 нафари 2—3 йил партия стажига эга бўлган ёшлардир. Бу ишонч ёш коммунистлар масъулиятини оширмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган партком мажлисида ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш масаласини муҳокама қилдик. Ҳозир ҳисобот йиғилишларини КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари даражасида ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Ташкилий-партиявий ишлар бўйича методик совет аъзолари ишлаб чиққан тавсия ва эслатмалар партия ташкилотларига тарқатилди. Цех партия ташкилотлари секретарлари ва партгруппа етакчилари билан ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик хусусида батафсил суҳбатлашилди. Цех партия ташкилотларида ҳисобот докладларини тайёрлайдиган группалар тузилди. Тажрибали коммунистлар жалб этилган ушбу группалар эътиборини цех партия ташкилотлари, партия группалари ишини чуқурроқ характерлаш, конкрет фактлар ва хулосалар чиқариш, энг муҳими — расмиятчиликка йўл қўймасликка қаратилди.

Яқинда 2-механика цехининг партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Тўғрисини айтганда йиғилиш аввалгиларга қараганда зўр уюшқоқлик, танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Ҳисобот берган группа етакчиси Х. Юсупов ва музокараларда сўзга чиққан бригада бошлиғи Н. Тур, Г. Гаджиев, Н. Холопова ва бошқалар ишлаб чиқаришни режалаштиришдаги хатоликлар туфайли иш вақти ва хомашё бекордан бекорга исроф бўлаётганлигини ачиниш билан эътироф этишди. Айниқса, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, кадр ишчи А. П. Гизатулиннинг гапи кўпчиликка манзур бўлди.

— Мен 1946 йилдан бери шу заводда ишлайман,— деди у. — Бу ерга билим юртини битириб келганман. Урушдан кейинги ўша даврларда билим юртларидаги шарт-шароитларни ҳозиргисига қиёс қилиш қийин. Лекин, шунга қарамай кейинги ватларда ҳунар-техника билим юртида ёшларга яхши таълим берилмаяпти. Жумладан, Чирчиқдаги 13-шаҳар ҳунар-техника билим юрти талабалари коллективимизга келгач, ҳатто станокларни қандай ишлатишни билмаётирлар. Ваҳоланки, уларнинг қўлида мутахассислик гувоҳномалари бор. Ёшлар бир-икки ой бўлиб, ишни эплолмай заводдан кетиб қолаяптилар.

Ветеран ишчи билим юртларида ёшларга касб ўргатиш жараёнини такомиллаштириш, уларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида кескин ўзгаришлар ясаш лозимлиги ҳақида жиддий фикрлар айтди. Шунингдек, у ёшларнинг касб маҳоратини оширишда мураббийчилик ҳаракатини авж олдириш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, цехларда мураббийлар Совети тузилмаганлигини танқид қилди.

Ҳозирги пайтда завод партия комитети ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилаётган танқидий фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва истакларни умумлаштириб бораяпти. Коммунистлар томонидан билдирилаётган бу фикрлар партия ташкилоти фаолиятидаги нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Биз кейинги йиғилишларда ушбу танқидий мулоҳазалар юзасидан қандай ишлар қилинаётганлиги ҳақида коммунистларга ахборот беришни режалаштиряпмиз. Шундай қилинганда ҳар бир коммунист партия ташкилоти, корхона фаолиятида ўзининг актив иштирок этаётганлигини англайди. Бу эса уларда юксак коммунистик фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

**П. ДЕГТЕРЕВ,**
**«Ўзбекхиммаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.**

# ИШОНТИРИШ МАҲОРАТИ

АТЕИСТ ЛЕКТОРЛАР ТАЖРИБАСИДАН

Профессор Абдураҳмон Ортиқовнинг янгича маросимлар ва коммунистик тарбия мавзуидаги лекцияси тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Оддий суҳбат тариқасида бошланган лекцияни кишилар қизиқиб тингладилар. Унда айтилган фикрлардан ҳар ким ўзига тегишли хулосалар чиқариб олди. Абдураҳмон ака рўза ва рамазон ҳайити ҳақида гапириб, жумладан, тингловчиларга бундай деб мурожаат қилди:

— Хўш, бу алмисоқдан қолган эскича маросим қаёқдан келиб чиққан? Бу маросим моддий бойлик яратувчи, бироқ ўзи қийинчилик билан ҳаёт кечирувчи меҳнат аҳллари учун ғоят оғир ва машаққатли диний мажбурият эди. Табиатнинг даҳшатли кучлари олдида жуда ожиз ва ночор бўлган халқ оммаси ҳукмрон синфлар манфаатини кўзловчи бундай уйдирмаларга кўр-кўрона ишона берган.

Нотиқ фан-техника, ҳозирги замон ютуқларидан мисоллар келтириб диний бидъат ва хурофотларни фош этди. Суҳбат тугаши билан савол-жавоблар бошланади...

Файласуф олимнинг ҳар бир чиқиши тингловчилар қалбида чуқур из қолдиради, уларни яшашга, курашга ўргатади, фидокорона меҳнатга руҳлантиради. Бунинг боиси ўз соҳасининг етук билимдони эканлигидадир, албаттта. У шундай дейди. «Ҳар бир лектор, суҳбат ўтказувчи ишонтириш маҳоратини эгаллаши, бунинг учун, айниқса, нотиқлик санъати ва нутқ маданияти сирларини пухта билиши, уларни ривожлантириб, муттасил такомиллаштириб бориши лозим. Ҳар бир лекция, суҳбат равон, содда, оммабоп тилда, мақоллар ва ҳикматли сўзлар воситасида тушунарли баён этилиши керак. Абдураҳмон аканинг лекция ва суҳбатлари шу талабларга тўла жавоб беради. Ўзининг мазмундорлиги, ишонтириш қуввати ва халқ ҳикматларига бойлиги билан жозибали бўлади.

Моҳир ва тажрибали ташвиқотчи мана йигирма беш йилдирки, республика «Билим» жамияти правлениеси қошидаги илмий-атеизм советига раҳбарлик қилиб келмоқда. «Советнинг вазифаси фақат қуйи ташкилотларнинг ҳисоботини эшитиш, уларга йўл-йўриқлар кўрсатишдангина иборат эмас,— дейди у.— Айни вақтда биз ёш лекторларга конкрет амалий ва методик ёрдамлар ҳам бермоқдамиз, уларга лекторлик маҳорати сирларини ўргатаяпмиз».

Шу ўринда «Билим» жамияти Коммунистик район ташкилотининг масъул секретари, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Мавжуда Мирсаидованинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлади:

— Йилнинг бошларида менга район хўжаликларидаги хотин-қизлар орасида атеистик пропаганда олиб бориш вазифаси топширилди. Лекцияларга тайёрланиб, колхоз ва совхозлардаги бир неча бригада ва бўлимларда суҳбатлар билан чиқдим. Хотин-қизлар гапларимни одоб билан эшитишди, лекин улардан бирорта савол тушмади, баҳс-мунозара бўлмади. Билдимки, менинг лекция ва суҳбатларимда нимадир етишмайди.

Область атеист лекторлар семинарида Абдураҳмон ака Ортиқов билан учрашиб қолдим. У киши менинг лекциям текстини синчиклаб ўқиб чиқдилар, сўнгра уни бир четга қўйиб, шундай маслаҳат бердилар:

— Тингловчиларингиз оддий касб эгалари бўлган қишлоқ меҳнаткашларидир. Уларни илмий гаплар, баландпарвоз сўзлар билан «чалғитманг». Аксинча, оддий тилда сидқидилдан гаплашишга ҳаракат қилинг. Бу биринчиси. Иккинчидан, тингловчилар олдида сўзга чиқишдан аввал уларнинг ҳаёти билан қизиқинг. Ўша одамлар қандай нафас оляпти, меҳнат ва турмуш тарзи, кайфиятлари, тақдирлари қандай... Булар ҳар бир лектор учун жуда зарур.

Сўнгра домла «Лекциялар билан чиқиш яхши, лекин динга ишонувчилар билан яккама-якка суҳбатлашиш, юракдан гаплашиш ундан ҳам яхши», дедилар. Ана шу мулоқот менинг бундан кейинги лекторлик фаолиятим учун ибратли бир мактаб бўлди.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдураҳмон Ортиқовни бугунги кунда кўпчилик яхши танийди. У узоқ йиллардан буён Беруний номидаги Тошкент политехника институти фалсафа кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда. Республикамизда илмий атеизм назарияси ва практикасининг, совет исломшунослигининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Атеизмнинг актуал масалалари билан шуғулланиб, ҳозирга қадар ўндан зиёд китоб, рисола, юзлаб мақолалар ёзган, 30 дан ортиқ фан кандидати тайёрлаган. Унинг шогирдлари фаннинг турли жабҳаларида самарали илмий ишлар олиб боришлари билан бир қаторда жойларда партия сўзини кенг меҳнаткашлар оммаси қалби ва онгига етказмоқдалар.

Профессор атеистик тарбия муаммолари ҳақида гапирар экан, шундай фикрни ҳам ўртага ташлади:

— Бир нарсага таажжубланаман. Биз билан бир жамиятда яшаётган, бир ҳаводан нафас олаётган шундай кишилар ҳам учрайдики, улар ривожланган социалистик жамиятимиз бераётган неъматлардан бошқалар қатори фойдаланадилар, фан ва техника эришган ютуқларни эътироф этадилар, кино кўриб, телевизор томоша қиладилар, газета ва журналларни мунтазам ўқиб борадилар. Хуллас, бундайлар сиртдан қараганда жуда замонавий кишилардир.

Аммо, ўзини зиёлиман деб юрган ана шундай баъзи «замонавий», «маданий» кишилар билан чуқурроқ танишсангиз, уларнинг субутсизликлари, иккиюзламачиликларини билиб оласиз. Бундайлар катта давраларда, турли йиғилишларда замон ва турмуш муаммолари ҳақида истаганча маъруза қилиб беришлари, эскилик сарқитларини оғиз кўпиртириб танқид қилишлари мумкин. Лекин уларнинг «жанговар»лиги шу билан тугайди. Уларни, агар таъбир жоиз бўлса, тили бошқа-ю, дили бошқа зиёлилар дейиш мумкин. Улар диний маросимларга руҳонийлардек амал қиладилар. Кўчакўйда олдиларидан мушук ўтиб қолса, ён-верларига қараб туфлаб қўядилар, ҳатто турли «инс-жинслар»дан фарзандларини «асраш» учун уларга туморча, кўзмунчоқ тақиб қўядилар. Уларнинг бу иккиюзламачиликларини ҳаммага маълум қилиш ҳам бизнинг вазифамиздир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида айрим раҳбарлар одамларни тарбиялашда иштирок этмаётганликлари, атеистик пропаганда олиб бормаётганликлари учун ҳаққоний равишда танқид қилиндилар. Пленумда ҳар бир коммунист аввало партиянинг идеология жангчиси эканлигини унутиб қўймаслиги зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Атеист лектор, таниқли олим Абдураҳмон Ортиқов партиянинг ана шундай идеология жангчиларидан биридир. У кенг меҳнаткашлар оммасида илмий материалистик дунёқарашни шакллантириш, турли диний хурофотларни фош этиш, янгича социалистик маросимларимизни турмушга сингдириш учун жонкуярлик қилмоқда.

**Ж. МЎМИНОВ,**
**СССР Журналистлар союзининг аъзоси.**

# ҲАШАРОТЛАР ҲОСИЛНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАДИ

Украина ССР Фанлар академияси Зоология институтининг олимлари топган митти ҳашаротлар юзлаб тонна ғоят самарали заҳарли химикатлар ўрнини боса олади. Украиналик энтомологлар илгари фанга номаълум бутун бир группа ҳашаротларни топибгина қолмай биосфера умумий комплексида уларнинг ролини аниқлаб ҳам бердилар.

Тумшуғи ўткир тўрт қанотли шу чивинлар атроф-муҳитни булғамагани ҳолда боғ ва ўрмонларнинг душман ҳашаротларини қириб ташлай олади, қимматли экин далаларидан энг ашаддий бегона ўтларни сиқиб чиқаради.

— Ҳосилни ҳозирги химиявий усул билан ҳимоя этишда биосферанинг булғаниш ҳолидан ташқари бошқа баъзи салбий қўшимча ҳодисалар ҳам рўй беради,— деди институт лабораториясининг мудири, биология фанлари доктори М. Зерова.— Шунинг учун ҳам ҳозир вараркунандаларга қарши биологик кураш методлари олдинги ўринга қўйилмоқда.

Кейинги вақтларда институтимиз олимлари тирик табиатнинг ҳақиқий санитарлари бўлмиш 120 турдан кўп нафли ҳашаротларни топдилар. Булар орасида ғалла, мевали дарахтлар зараркунандаларини, дов-дарахт баргларини ейдиган ҳар хил зараркунандаларни қирадиган организмлар бор. Зоологлар бундан ташқари ўсимликхўр каналарнинг ғоятда самарали душманлари бўлган 40 турдан кўп фойдали ҳашаротларни топдилар. (ТАСС).



## БЕШ ЙИЛЛИК— УЧ ЯРИМ ЙИЛДА

**Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Баҳодир Жалилов келгуси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишга киришди. Тажрибали фрезерчи беш йилликни 3,5 йилда бажариш ташаббусига қўшилгач резервлардан самарали фойдаланиши туфайли бу кўрсаткичга эришди.**

**Суратда: Б. Жалилов иш устида.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

# ЗАРГАРЛИКДАН ҲАМ НОЗИК

Ўзбекистон травматология ва ортопедия институти олимлари беморларга шифо бахш этишда фан ютуқларидан кенг фойдаланмоқдалар. Бир неча йилдирки институт клиникаларида сон суяги тос чуқуридан чиққан ҳолатда туғилганларни, букрилар ва суяги ҳар хил жароҳатланганларни даволашда Елизаров, Волков-Оганесян, Колнберз, Гудушаури, Ткаченко аппаратларидан самарали фойдаланилмоқда. Маймоқ, оёқ-қўли қийшиқ касаллар шифохонада бир неча ой даволангач, уйларига соғайиб, ишга яроқли бўлиб қайтмоқдалар.

Биз бу билим даргоҳининг шифохонасида бўлганимизда ногирон оёғи 27 сантиметргача узайтирилган, пакана бола ёки қизнинг бўйи чўзилиб, қоматига чирой бахш этилган ҳолларнинг гувоҳи бўлдик.

Шифокорлар транспорт фалокати туфайли етган жароҳатлар: майдаланиб кетган суяклар, қўл, оёқларни даволаш муддатини ҳам қисқартирдилар.

Шу соҳада жон куйдириб хизмат қилаётган ва ишдан чиққан оёқ-қўлларни даволаш методларига бош-қош бўлиб келаётган олим, медицина фанлари докторларидан Ўткир Султонович Исломбековнинг қўлида бир бетобнинг дастлабки ва ҳозирги ҳолатдаги фотосуратини кўриб ҳайратда қолдик. Шикастланиб, оёғи калта бўлиб қолган бу йигитча, сўнгги суратда баб-баравар оёқлари устида ғоз турипти, суяклари парчаланиб ногирон бўлиб қолган оёқ ўзининг бугунги аслидай соппа-соғ бўлиб қолган.

Шифохонада букриларни тузатадиган бўлим ҳам очилган. Ёш гўдаклар орасида учрайдиган туғма букрилардан 3—4 даражаликлари оператив усулда даволанади. Бунда Харинтон ва Раий усуллари қўл келади. Яқин орада Родянский методларини ҳам қўллашга киришиладн. Суякнинг ўсма касалликлари эса алоҳида даволанмоқда. Бу ўсмали суяклар бошқа суяклар билан алмаштирилади. Натижада бемор бир умр давом этган азобланишлардан қутилади.

### ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИНСТИТУТИДА

Институт олимлари, врачларининг микрохирургия соҳасида заргарликдан ҳам нозик ишларни бажараётганликларини кўриб ўзимизда йўқ қувондик ва фахрландик. Агар заргарлар қўлга илинар-илинмас асбоблар билан кўз илғамас нуқраларни пайванд этиб, энг бежирим, нафосатли буюмлар кашф этишса, шифокорлар минг-минг асаб толалари орасидан микроскоп ёрдамида озор топган, узилган, эзилган, асаб толаларини аниқлаб, уларга қайта умр бағишлашмоқда. Шу йўсинда шол бўлган қўл ёки оёқни бояги-бояғидай ҳаракатга келтирмоқдалар. Асаб толаларини улашда улар нейлон ипларидан, чақалоқ киндигининг қолдиқ пардасидан муваффақиятли фойдаланаётирлар.

Бугунги кунда институтда 10 нафар медицина фанлари доктори, 54 нафар медицина фанлари кандидатлари хизмат қилмоқда. Етакчи олимлардан Ботир Миразимов, Ўткир Исломбеков, Насриддин Шоматов, Одил Шокиров, Илёс Эшонхўжаевлар хасталикларни даволашда ёш ходимларга яқиндан илмий ва амалий ёрдам кўрсатишаётир, медицина фанини тобора равнақ топтиришда тинмай меҳнат қилишмоқда.

— Заҳматкаш врачларимиз олдида муҳим вазифалар турипти, — дейди институт директори, профессор Мирзабек Дўстмуродович Дўстмуродов, — аввало болалар ва қишлоқ хўжалиги ҳамда саноат травматизмининг олдини олиш чораларини янада кенгайтириш лозим. Жароҳатланиш ва туғма касалликларни даволаш борасидаги ёрдамни кучайтириш мақсадида амбулатория ва поликлиника ишларини ривожлантириш, травматологик ва ортопедик стационар ёрдамни такомиллаштириш, махсус касалхоналарда ўринларни кўпайтириш зарур.

Шу кунларда институт шифокорлари аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, бу ишларни республикамиз Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг пленумлари талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

**Р. ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# НАШРЛАР КЎПАЯДИ

Олмалиқ шаҳар босмахонасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Юбилей йилининг биринчи ярим йиллигида бу ерда планга қўшимча 2 минг сўмлик нашрлар тайёрланди. Бу ютуққа меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси асосида иш юритаётган коллективлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Айни пайтнинг ўзида ишлаб чиқариш илғорлари, ветеранлар, коллективга келиб қўшилаётган ёшларга устозлик қилишлари, ёшлар қисқа муддат ичида мустақил ишлай олишларига кўмаклашишлари қўл келмоқда. Шу боисдан ҳам шогирдлар тез орада яхши тажриба орттириб, меҳнат коллективининг кўрсаткичлари яхшиланишига ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

**М. АЛИМОВ.**



**«Госкомсельхозтехника»га қарашли Чиноздаги махсус устахонада қишлоқ хўжалиги техникаси ремонтини қисқа муддатлар ичида ниҳоясига етказиш ҳаракати авж олди. Айни пайтнинг ўзида жорий ремонт қилинган ва қайта созланган техника воситалари хўжаликларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Уларнинг сифатли ремонт қилинганлиги ва узоқ муддат бенуқсон хизмат қила олишини эса халқ назоратчилари таъминлайдилар. Улар ҳар бир агрегатни жиддий текширувдан ўтказишади. Шу боисдан ҳам устахонадан хўжаликларга етказиб берилаётган машиналар ишидан деҳқонлар мамнун бўлишмоқда.**

**Суратда: устахона халқ контроли группасининг раиси М. Хусаинов ва цех мастери Т. Эминов ремонтдан чиққан маҳсулотларни кўздан кечиришяпти.**

**В. Сироткин** фотоси.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

# КЎЧМА ВИСТАВКА

«Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг юзлаб ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланиб бу ерда очилган «Ленин ва Ўзбекистон» кўчма виставкасини томоша қилди. Виставкани В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиали ташкил этди. Виставка стендларига қўйилган фотосуратлар ва ҳужжатларнинг нусхалари жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси Туркистон ўлкаси меҳнаткашлари ҳаётини қайта қуришга қанчалик эътибор берганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Экспонатлар Ўзбекистон ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлиги туфайли совет халқларининг қардошлик оиласида қисқа тарихий муддат ичида экономика, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда юксак марраларга эришганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Республика ва Ўзбекистон Компартиясининг юбилейига тайёргарлик кунларида «Ленин ва Ўзбекистон» кўчма виставкаси республика пойтахтининг кўпгина корхоналари ва ташкилотларида намойиш қилинади.

(ЎЗТАГ).

ҚУТЛОВ

# МАТЕМАТИКАГА ҲАВАС УЙҒОТАДИ

Меҳнат ветерани, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, К. Д. Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институти педагогика кафедрасининг мудири Давид Абрамович Мавашев математика ўқитиш методикаси соҳасида республикамиздаги етакчи олимлардан биридир.

У ўқитувчилик ишини 1929 йили бошлади. Дастлаб — Чақдаридаги саводсизликни битириш факультетида, кейинчалик Бухоро шаҳридаги партия, совет ходимлари курсида, ўрта мактабларда педагоглик фаолиятини давом эттирди.

— Ўша даврларда муаллим зиммасига жуда зарур ва мураккаб вазифалар юкланган эди,— дея хотирлайди Давид Абрамович,— ўқитувчиларни маданият жангчилари деб атар эдилар.

Педагогнинг ҳаёт йўли кўпгина зиёкорларники каби оддий, аммо сермазмун.

Д. Мавашев 1934 йили Бухоро кечки педагогика институтининг математика бўлимини тугатгач, бир неча йиллар давомида Қарши шаҳридаги педагогика билим юртида, сўнгра Тошкентдаги кечки мактабда аввал ўқитувчи, кейин илмий бўлим мудири ва директорлик қилди. 1942 йили кўплар қатори Ватан ҳимоясига отланди ва Улуғ Ватан урушининг охиригача Совет Армияси сафида солдат, кейин автоматчилар ротасининг старшинаси сифатида хизмат бурчини ўтади.

Уруш тугагач, Д. Мавашев ўз севган касбига қайтди, уни яна мактабга директор қилиб тайинлашди. Бу билим даргоҳида мактаб математика ўқитувчилари ва шаҳар малака ошириш институтининг тингловчилари учун чинакам тажриба ва таянч базасига айланган эди. Педагог шу ерда юксак обрў орттирди. Сўнгра Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг математика кабинетига мудир қилиб тайинланди. Д. Мавашев Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ўқув методика кабинетининг катта методисти, ўрта-махсус педагогика ўқув юртлари бўлим мудирлиги лавозимларида ҳам ишлади.

Д. Мавашев илк бор ўқитувчилик ишини бошлаган пайтлардаёқ, ёш авлодни математика фанига қизиқтириш, бу соҳада ажойиб талантлар, мутахассислар етиштиришни орзу қиларди. Уни айниқса, ўқувчиларни математикадан синфдан ташқари ишларга кўпроқ жалб этиш қизиқтиради. Педагог бу соҳада астойдил тадқиқотлар олиб борди ва ниҳоят 1972 йили «Математикадан синфдан ташқи иш — ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ўстириш воситаси ва машғулотларининг мантиқий давоми» деган темада кандидатлик диссертациясини ёқлади. «Математикадан қирқ беш машғулот», «Математикадан олимпиада масалалари», «Математикадан тўгарак машғулотлари» каби қўлланмалар олимнинг ана шу изланишлари самарасидир.

Етмиш ёшида ҳам ўзини бардам ҳис этаётган отахон муаллимнинг тавсияси билан математикага ихлос қўйганлар кўп. Тошкентдаги 34-мактабнинг собиқ ўқувчиси, ҳозирги вақтда Ленинградда истиқомат қилувчи физика-математика фанлари доктори А. Коган, москвалик фан доктори А. Аветисов, етук математика ўқитувчилари М. Мирзаев, Р. Султонова ва бошқа кўпгина ўқитувчи ҳамда илмий ходимлар Давид Абрамовичда таълим олганлар.

Д. Мавашевнинг халқ маорифи соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси» нишони, «Шавкатли меҳнати учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган. Отахон ўқитувчи-мураббийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилган.

**Ж. ФАЁЗОВ,**
**Р. УСМОНОВ,**
**педагогика фанлари кандидатлари.**

